III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ

2018 йилнинг январь-июнида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизматлар)ларининг умумий ҳажми 1 502,7 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 104,9 фоизни, шу жумладан деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар 1 484,6 млрд. сўмни (104,8 фоиз), ўрмон хўжалигида 2,9 млрд. сўмни (103,4 фоиз), балиқчилик хўжалигида 15,2 млрд. сўмни (115,5 фоиз) ташкил қилди. Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизматлар)лари ҳажмининг ўсиши асосан деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳада кўрсатилган хизматлар ҳажмининг сезиларли даражада ортиши билан боғлиқдир.

Хусусан, юқори ўсиш суръатлари Фориш (107,2 фоиз), Арнасой (106,9 фоиз), Зарбдор (106,4 фоиз), Бахмал (105,0 фоиз) туманларида кузатилди. Бунга қарама-қарши равишда Дўстлик (103,7 фоиз), Пахтакор (104,1 фоиз) ва Мирзачўл (104,1 фоиз) туманларида паст ўсиш суръатлари кузатилди.

2018 йилнинг январь-июнида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматлар)нинг ҳажми

Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таркибий тузилишида энг юқори улуш деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келади (умумий ҳажмга нисбатан 69,6 фоиз).

2018 йилнинг январь-июнида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши



2018 йилнинг январь-июнида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг хўжалик тоифалари бўйича ҳудудлар кесимида тақсимланиши



Деҳқончилик. 2018 йилнинг январь-июнида ишлаб чиқарилган деҳқончилик маҳсулотларининг ҳажми 658,7 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 103,4 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий хажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 43,8 фоизни ташкил қилди.

Ҳосилни йиғиб олиш. Ҳисобот даврида барча тоифадаги хўжаликларда 421,0 минг тонна (2017 йилнинг январь-июнига нисбатан 99,7 фоиз) дон экинлари ишлаб чиқарилди, 8,9 минг тонна (105,2 фоиз) картошка ковлаб олинди, 46,3 минг тонна (109,0 фоиз) сабзавотлар, 2,5 минг тонна (116,7 фоиз) озиқбоп полиз, 13,0 минг тонна (111,9 фоиз) мевалар ва резаворлар, 0,5 минг тонна (109,1 фоиз) узум йиғиб олинди.

2018 йилнинг январь-июнида хўжалик тоифалари бўйича асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

	Фермер хўжаликлари		*Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари*		*Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар*	
	минг тонна	*ўсиш суръати, фоизда*	*минг тонна*	*ўсиш суръати, фоизда*	*минг тонна*	*ўсиш суръати, фоизда*
Дон	405,9	99,5	12,7	97,7	2,4	197,7
Картошка	0,7	112,6	8,2	104,7	0,02	105,9
Сабзавотлар	9,6	132,6	36,6	104,1	0,1	102,1
Полиз	0,3	117,1	2,1	116,6	-	-
Мевалар ва резаворлар	0,9	316,3	12,0	106,6	0,05	125,0
Узум	0,04	-	0,5	100,8	-	-

2018 йилнинг январь-июнида ҳудудлар кесимида асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

Дон *(тонна)*

Картошка *(тонна)*

Сабзавотлар *(тонна)*

Полиз *(тонна)*

Мевалар ва резаворлар *(тонна)*



Узум *(тонна)*

Чорвачилик. Келгусида чорвачилик соҳасининг имкониятларини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилиши ҳамда давлат томонидан кўрсатилаётган тизимли қўллаб-қувватлашлар натижасида қорамоллар бош сонининг ўсишига, ички истеъмол бозорларининг чорвачилик маҳсулотлари билан тўйинишига имкон яратди.

2018 йилнинг январь-июнида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 803,1 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 106,1 фоизни (2017 йилнинг январь-июнида 106,4 фоизни) ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий хажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 53,4 фоизни ташкил этди.

2018 йилнинг 1 июль ҳолатига йирик шохли қорамоллар бош сони 867,6 минг бошга (96,9 фоизга), шу жумладан сигирлар 245,2 минг бошга (98,2 фоизга), қўй ва эчкилар 2 051,3 минг бошга (106,3 фоизга), паррандалар 3 151,0 минг бошга (115,2 фоизга) кўпайди.

2018 йил 1 июль ҳолатига хўжалик тоифалари бўйича чорва моллари ва паррандалар бош сони

	Фермер хўжаликлари		*Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари*		*Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар*	
	минг бош	*ўсиш суръати, фоизда*	*минг бош*	*ўсиш суръати, фоизда*	*минг бош*	*ўсиш суръати, фоизда*
Йирик шохли қорамоллар	32,8	112,3	822,8	96,0	12,0	136,1
шу жумладан: сигирлар	9,0	88,3	234,1	98,5	2,1	107,6
Қўйлар ва эчкилар	310,1	177,3	1 598,6	98,9	142,6	103,5
Паррандалар	316,1	278,3	1 964,9	99,8	870,0	133,4

Умумий бош сонга нисбатан деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 94,8 фоизни, фермер хўжаликларида 3,8 фоизни ташкил этди, сигирлар мос равишда 95,5 ва 3,7 фоизни, қўйлар ва эчкилар 77,9 ва 15,1 фоизни, паррандалар 62,4 ва 10,0 фоизни ташкил қилди.

2018 йил 1 июль ҳолатига ҳудудлар кесимида чорва моллари ва паррандалар бош сони

Йирик шохли қорамоллар *(минг бош)*

шу жумладан: **сигирлар** *(минг бош)*

Қўйлар ва эчкилар *(минг бош)*



Паррандалар *(минг бош)*

2018 йилнинг январь-июнида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазнда 86,7 минг тонна гўшт (2017 йилнинг январь-декабрига нисбатан 106,7 фоизга кўп), 267,2 минг тонна сут (105,0 фоиз), 158,0 млн. дона тухум (108,5 фоиз), 2,5 минг тонна жун (101,3 фоиз),3,6 минг дона қоракўл тери (59,7 фоиз) ишлаб чиқарилди

2018 йилнинг январь-июнида хўжалик тоифалари бўйича асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

	Фермер хўжаликлари		*Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари*		*Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар*	
	Миқдори	*ўсиш суръати, фоизда*	*Миқдори*	*ўсиш суръати, фоизда*	*Миқдори*	*ўсиш суръати, фоизда*
Гўшт, тирик вазнда, *минг тонна*	1,1	191,4	84,9	106,1	0,7	102,7
Сут, минг тонна	4,2	82,5	262,3	105,5	0,7	102,4
Тухум, *млн. дона*	2,1	75,1	105,6	104,9	50,4	119,2
Жун, минг тонна	0,2	170,6	2,2	96,9	0,07	104,5
Қоракўл, *минг дона*	1,9	-	-	-	1,8	28,8

2018 йилнинг январь-июнида ҳудудлар кесимида асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

Гўшт *(минг тонна)*



Сут *(минг тонна)*



Тухум *(млн. дона)*

Жун *(тонна)*